RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 14 (3334) | 2000 йил 6 апрель, пайшанба | Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

ҲАР ДОИМ ҚАДРИНИ ТОПАЁТГАН БОЙЛИГИМИЗ

Сўзимнинг аввалидан аниқлик киритиб қўймоқчиман. Гап ҳар биримиз учун қонуний йўл билан топилгандагина татийдиган ва ҳаётда керакли бўлган моддий бойликлар хусусида бормайди. Бу ҳақда кейинроқ мулоҳаза билдириш ниятидамиз.

Бугун эса виждон, бурч, кимгадир берилган сўз ҳақида фикр юритмоқчиман. Мен танлаган мавзудан хабар топгач, эҳтимол баъзи муштарийларимиз мийиғида кулиб қўйишар. Кўпчилик иложи борича, ўзини ўйлаб иш тутаётган ҳозирги пайтда бу ҳақда мулоҳаза юритишдан бирор наф бормикан, дея ҳайратга тушишлари табиий. Тўғри-да, шундай бир шароитда виждон, бурчга амал қилиш, кимгадир берилган сўзнинг устидан чиқиш тўғрисида жиддий гапириш мумкинми ахир?

Шундай ўйга борган муштарийларимиз исбот тариқасида ҳаётларида учраган талайгина воқеаларни гапириб беришлари мумкин. Мен ҳам айрим фуқароларимиз виждон, инсоний бурч ва айтган сўзига амал қилмаган ҳолатнинг гувоҳи бўлганман.

Шундай воқеалардан бири ўтган йили содир бўлди. Бир дўстимдан апоқ-чапоқ бўлиб юрган яқин танишлари катта миқдорда пул қарз олишди. Айнан унинг ёрдами туфайли бу одамлар турмушида учраган қийинчиликлар енгилди, тижорат ишлари юришиб кетди. Аммо шундай бўлишига қарамай қарзни қайтаришга негадир шошилмасдилар.

Дўстим эса оққўнгил ва камтарин инсон эди. Нега "эди" деяётганимнинг сабабини кейинроқ тушунтириб бераман. У ҳадеб қарзни эслатаверишни ўзига эп кўрмади. Дўстлари эса бора-бора бу ҳақда ўйламай қўйишди. Бундай ҳолат узоқ вақт давом этди.

Вақти келиб дўстим моддий томондан қийналиб қолди, бунинг устига оғир касалликка чалинди. Дори-дармонлар қиммат бўлган ҳозирги пайтда қаттиқ бетоб бўлиб қолиш нечоғли ташвиш келтириши барчамизга аён. Қарз олган кишилар унинг бетоблигини билишса-да, бирор марта ҳолидан хабар олишмади. Боз устига оиласи, фарзандлари учун жуда зарур бўлиб турган пулни қайтариш хаёлларига ҳам келмади.

Дўстим дард азобидан қийналиб вафот этди. Ортида умр йўлдоши ва икки қизи бўзлаб қолишди. Ҳозир уларга ҳар қачонгидан ҳам қийин. Оила аъзолари хонадон соҳиби бир пайтлар дўстларига катта миқдорда пул берганини билишмайди. Улар эса чет эл машиналарида юриб, ресторанларда овқатланаётган бўлишса-да, ҳамон қарзни қайтаришни ўйлашмайди.

Аянчли воқеа, шундай эмасми? Бундан шошилинч хулоса чиқариш ва умумлаштириш тарафдори эмасман. Аммо халқимизда бир удум бор. Агар кишининг бировдан қарзи бўлса, унинг қариндошлари узиш учун бор имкониятларни ишга солишади. Қарздор одам эса олган пулини марҳумнинг оиласига қайтариб беради. Бу ишни тезроқ амалга оширишга киришади. Ахир, ким ҳам гуноҳга ботишни истайди.

Аммо бу фазилат қалби пок, виждонли ва инсоний бурчига содиқ инсонларгагина тааллуқлига ўхшайди. Бинобарин, ушбу умуминсоний қадриятлар одамга табиат томонидан ато этилмаган бўлса, ундан қандай қилиб талаб қилиш мумкин?

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2000 йил – Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Бу нафақат чиройли айтилган ибора, балки кенг миқёсдаги машаққатли вазифа демакдир. У жисмонан, шу билан бирга маънавий соғлом аҳолини, батартиб, виждонли, инсоний ва фуқаролик бурчига содиқ инсонларни камол топтиришни талаб этади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ушбу вазифа мураккаб бўлиб, уни амалга оширишда жамиятнинг барча аъзолари иштирок этиши зарур. Бу хайрли иш ҳар бир оила, олий ўқув юрти, маҳаллаларда олиб борилиши лозим. Шундагина ғараз мақсадларда одамларни алдаб, ёлғон ваъдалар бермайдиган, айтган сўзининг устидан чиқадиган, ҳимоясиз одамларни ранжитмайдиган, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялашимиз мумкин.

Халқимиз бой тарихга эга, аждодларимиздан бизга урф-одатлар, ажойиб удумлар, маънавий қадриятлар мерос бўлиб қолган. Ана шу беқиёс бойлигимиздан ёшларни камол топтириш ва уларда ахлоқ-одобни шакллантиришда кенг фойдаланишимиз зарур.

Шуниси қувончлики, мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишлар миллий қадриятларни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани қарор топтириш, муқаддас динимизни тиклаш ва халқимизнинг маънавий ҳаётини юксалтириш орқали амалга оширилмоқда.

Тўғри, биз унча осон бўлмаган даврда яшаяпмиз. Кўпчилигимиз маълум қийинчиликларни бошдан кечиришимизга тўғри келаяпти. Аммо бу мавжуд қийинчиликларни Яратганнинг ўзи томонидан инъом этилган виждон, бурч, ўзимизга яқин кишиларга нисбатан масъулиятни англаш каби муқаддас туйғуларни оёқ ости қилиш эвазига енгиш, дегани эмас.

Шундай экан, кундалик турмушимизда "бу муаммо менга тегишли эмас", деган ибора ишлатилмаслиги, бир-биримизга нисбатан меҳрмурувватли ва тўғри муносабатда бўлишимизни истардим. Зеро, барчамиз мана шу ажойиб заминда, умумий мақсадлар ва келажакни кўзлаб яшаяпмиз.

ОЙЛИК ЯКУНЛАНДИ, МУАММОЛАР ЭСА ҲАМОН МАВЖУД

Республика ИИВ ДАН Бош бошқармасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давомида қайд этилган барча маълумотлар таҳлил этилди. Шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

* 600 та йўл-транспорт ҳодисалари рўй берди;
* автофалокатларда 116 киши ҳалок бўлди;
* 674 киши жароҳат олди;
* автофалокатлар 20 нафар болани ҳаётидан жудо қилди.

Ҳа, йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давомида автофалокатлар содир этилди, қурбонлар ҳам бўлди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, бу йилги барча кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча яхшидир.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти ("Постда", "На посту" газеталари)

17 апрель душанба куни соат 10.00 дан 12.00 гача

телефон орқали бевосита мулоқот ташкил этади.

Давлат автомобиль назорати инспекцияси фаолияти, хусусан транспорт воситаларини рўйхатга олиш ва қайта олиш, техник кўрикдан ўтказиш, транспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиш учун имтиҳон топшириш, йўл белгилари, йўлчироқлар ва қатнов қисмидаги чизиқлар борасидаги янгиликлар, йўл ҳаракати қоидасини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби ва бошқа масалалар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин.

(370) 132-05-51, (3712) 54-37-91.

Барча саволларингизга республика ИИВ ДАН Бош бошқармаси бошлиғининг муовинлари, милиция полковниги Алихўжа Аъзамович ТУРСУНХЎЖАЕВ ва милиция подполковниги Азизхўжа Аҳатович ИНОЯТОВ жавоб берадилар.

ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ – ТЎЛАЛИГИЧА БИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗДА

ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ДАРАЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш бўйича Комиссияси ва Олий Мажлиснинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича Қўмитасининг қўшма мажлиси ўтказилди. Йиғилишда 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг жазони ижро этиш ва озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ижтимоий оқлаш қисми қандай бажарилаётгани, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил(омбудсман)нинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари мониторингини ўтказиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Ҳуқуққа қарши ҳаракатлар содир этгани учун озодликдан маҳрум этилган, жазо муддатини ўтаб қайтадиган шахслар ҳуқуқини таъминлаш муаммолари ҳам қизғин муҳокама қилинди. Ўзбекистон омбудсмани, Олий Мажлис Комиссияси ва қўмиталари аъзолари, Республика ИИВ, Прокуратура, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳукумат идоралари, жазони ижро этиш муассасалари, адвокатура, нодавлат ташкилотларининг вакиллари сўз олиб, Ўзбекистонда жазо муддатини ўтаб қайтадиган шахсларга етарли шароитлар яратиб бериш, уларни тарбиялаш, меҳнат қилиш ва таълим олишини ҳуқуқий таъминлаш, тўғри йўлга тушиши ва ҳаётга кўникишларига кўмаклашиш борасида муайян ишлар қилинаётганини таъкидлашди.

Кўрилаётган масала бўйича бўлиб ўтган баҳсда ҳибсхоналардаги вояга етмаган болаларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг меҳнат қилиши ва таълим олишига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилганлар диққати шунингдек, пенитенциар тизим ходимлари ва жазо муддатини ўтаб қайтадиган шахслар ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунчиликка қўшимчалар киритиш, жазони ижро этиш тизимида устувор вазифаларга эришиш учун ишларни иложи борича жаҳон меъёрлари даражасида ташкил этиш, шунингдек давлатимиз томонидан жаҳон ҳамжамияти олдида маҳбусларнинг ҳуқуқларига риоя этиш бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишига эришишга жалб этилди.

Омбудсманнинг амалий фаолияти "Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(омбудсман) тўғрисида"ги Қонун такомиллаштирилиши кераклигини кўрсатмоқда. Ушбу Қонунга вакилнинг ҳуқуқий ваколатини кучайтириш, фуқароларнинг аризаси кўриб чиқилаётганда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Парламент қўмиталари, идоралар ва омбудсманнинг жойлардаги минтақавий вакиллари "Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(омбудсман) тўғрисида"ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш бўйича билдирилган таклифни маъқулладилар.

Комиссия мажлисида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда парламент қўмиталарининг вакиллари, суд тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИГА САЁҲАТ

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ходимларнинг маънавий баркамол бўлишлари учун алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг учун диёримизда яшаб, ижод этган мутафаккир алломалар қолдирган бой маданий мерос ва тарихий обидалар билан таништириш орқали маънавий дунёқарашини шакллантириш катта аҳамият касб этяпти. Куни-кеча вилоят ички ишлар идоралари хизмат қилаётган рус ва бошқа Европа миллатига мансуб бўлган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида анжуман ташкил этилди. Анжуман иштирокчилари Темурийлар Давлат музейи, Тошкент шаҳридаги мустақиллик йилларида бунёд этилган йирик қурилиш иншоотлари билан танишдилар, Давлат цирки, Халқлар дўстлиги мажмуаси, Навоий номли истироҳат боғига, Хотира хиёбонига ташриф буюрдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Байналминал маркази раиси Карим Расулов билан суҳбатлашишди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати Рус маданияти маркази раиси Сергей Зинин билан бўлган учрашув эса улар қалбидан чуқур ўрин олди.

Вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун Рус академик драма театрида "Мужской род единственное число" спектакли намойиш этилди.

Бундай тадбирлар ҳар бир инсон ҳаётида ўчмас хотира бўлиб, ўзгача шукуҳ бахш этиши табиий. Зеро, тили ва динидан қатъи назар Ўзбекистонни она юртим деб эъзозлаб, дин равнақи йўлида хизмат қилаётган русий забон халқларнинг ҳам мақсад ва интилишлари она заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда фидойи бўлишдир. Бой маданий тарихимиз билан танишиш эса, уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Маънавияти юксак халқнинг эса келажаги буюк бўлади.

М. СУЛТОНОВА.

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Республика ИИВ Академиясида Тошкент шаҳри ички ишлар идоралари тергов бўлинмалари ходимлари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар Тошкент шаҳри тергов тизими фаолиятининг қонунийлигини мустаҳкамлаш ва Президентимиз Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилоятида сўзлаган нутқи асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига бағишланди.

Йиғилганлар олдида Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Р. Ҳайдаров, ИИВ Академияси бошлиғи, милиция генерал-майори У. Тожихонов, Республика ИИВ Тергов бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарофиддинов Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги А. Азизов, пойтахт ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тажрибали ходимлари сўзга чиқдилар.

Семинар-кенгаш чоғида анжуман иштирокчилари амалдаги қонунларга киритилган ўзгартишлар билан таништирилди. Тергов амалиёти вакиллари ва академиянинг профессор-ўқитувчилар таркиби бир-бирларини қизиқтирган қатор масалалар бўйича ўзаро фикр алмашдилар. Кўпчилик ИИВ Академияси базасида ички ишлар идоралари учун тергов ходимлари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш факультети очиш мақсадга мувофиқлигини таъкидладилар.

Семинар муайян амалий иш тажрибасига эга бўлган тергов ходимлари учун ҳам, академия тингловчилари ва стажёрлари – бўлажак терговчилар учун ҳам фойдали бўлди. Ўртага ташланган барча саволларга мунозаралар чоғида батафсил жавоблар олинди.

Ички хизмат генерал-майори Р. Ҳайдаров бундай учрашувлар хизмат фаолиятида самара беришини, уларни мунтазам ўтказиб туриш зарурлигини қайд этди.

Ўз мухбиримиз.

ХИЗМАТГА ХАЛҚ БАҲО БЕРДИ

ИИВ Бирлашган таҳририятида ўтказилган бу галги телефон орқали бевосита мулоқот милиция участка инспекторларининг фаолияти, ўсмирлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланди. Республикамиз пойтахти ва вилоятларда яшовчи фуқаролардан тушган саволларга, билдирилган эътирозларга ИИВ ЖООБ бошлиғи муовини, милиция полковниги Ботир ДЎСМУҲАМЕДОВ ва бошқарма бўлим бошлиғи, милиция майори Фахриддин ИСЛОМОВлар жавоб қайтардилар.

Б. ДЎСМУҲАМЕДОВ

Ф. ИСЛОМОВ

Маълумки, Тошкент шаҳрида милиция хизматини янада яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашни янада кучайтириш мақсадида маҳаллаларга хизмат кўрсатаётган участка вакилларининг сони кўпайтирилди, ваколатлари кенгайтирилди. Энди улар профилактика инспекторлари деб юритилаяпти. Бир сўз билан айтганда милиция хизматининг бу тармоғи ҳам ислоҳ қилинди. Хўш, бу билан кўзланган натижаларга эришилдими? Албатта, хизматнинг натижасига халқ баҳо беради. Телефон орқали ўтказилган мулоқотдаги асосий саволлар милиция участка вакиллари ва профилактика инспекторларининг фаолиятига доир бўлди.

Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудидаги "Лангар" маҳалласида яшовчи фуқаро кейинги пайтда айнан ана шу маҳаллада Тожикистон Республикасидан келиб зира доривори, пиёз, укроп уруғи сотиб юрганлар кўпайиб кетгани, энг хавфлиси ва аянчлиси бу кимсалар уруғ баҳона гиёҳвандлик моддаларини ҳам сотишаётгани, бир неча марта очиқдан-очиқ наша сотиб олишни таклиф этгани ҳақида қўнғироқ қилди. Модомики шундай экан, шу ҳудудга хизмат кўрсатаётган участка инспекторининг фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин?

Миробод тумани 1-Бехтерев ва Бехтеров–Сарикўл кўчасидан бир эмас, уч фуқаро қўнғироқ қилиб, мавжуд аҳвол ҳақида ташвишланиб гапирди. Маълум қилишларича, бу кўчада кўплаб ижарада турувчилар яшайди. Шовқин-сурондан тинч дам олиб бўлмайди. Қизиғи шундаки, профилактика инспектори аҳён-аҳёнда туман ИИБ ходимлари ноқонуний яшаётган шахсларни олиб кетгандан кейин пайдо бўлади. Орадан икки уч-кун ўтиб яна кўчани ижарачилар босиб кетади. Фоҳишахона очиб, "тирикчилик" қилаётган кишилар ҳақида бир неча марта туман ИИБга мурожаат этишганига қарамай, ҳеч ким келиб чора кўрмайди. Кексалар юз бераётган ушбу ҳолларнинг ёшлар тарбиясига жуда катта салбий таъсир кўрсатаётганини ачиниш билан таъкидладилар.

А. Икромов тумани 24-мавзедан телефон қилган фуқаро айнан 37-уй атрофидаги кичкинагина майдончага қўйилган сўри атрофи кечкурун жуда гавжум бўлиши ва бу ерда гиёҳвандлик моддаларининг савдо-сотиғи бўлишини хабар қилди. Унинг айтишича, шу ердаги фуқаролар бу ҳақда туман милиция идорасига ҳам хабар қилишган, бироқ чора кўрилмаган.

Тошкент шаҳрининг Аҳмад Югнакий мавзесидан қўнғироқ қилган фуқаро ёшлар тарбияси ҳақида қайғурган. Кечки пайт мавзедаги тўртта мактаб атрофига ёшлар, вояга етмаганлар йиғилиб олишади. Ҳамма бемазагарчилик ўша ерда. Профилактика инспекторининг кучи етмаса, туман, шаҳар милициясидан қўшимча куч келтириш, ярим тунгача давом этаётган бақириқ, чақириқларга барҳам бериш керак, деб таклиф билдирди.

Шайхонтоҳур туманидан О. Музаффарова 5 йилдан бери қўшнилари чиқиштирмаётгани, бу ҳақда профилактика инспектори яхши билиши ва ёрдам беришга кучи етмаётганини айтди. Ф. Исломов бу ҳақда албатта Тошкент шаҳар ИИББ тармоқ хизматига маълум қилишини билдирди.

Миробод туманилик С. Грамницкая келини етти йил олдин боласини ташлаб кетгани, кекса бўлишига қарамай неварасини ўзи боқиб катта қилгани ҳақида тўлқинланиб гапирди. У пировардида неварасини ўз қарамоғига олиш ва ўз фамилиясига расмийлаштириб олиш учун қаерга мурожаат этиш лозимлигини сўради. Бу аёлга ҳам керакли маслаҳатлар берилди.

А. Икромов туманида яшовчи Т. Миралимов онамни қассоб йигит уриб тан жароҳати етказганди, дейди. Суд уни маошининг 20 фоизини давлатга ўтказиш шарти билан, Яккасарой туманидаги ғишт заводига ишга юборганди. Бироқ, қассоб яна бозорда гўшт сотиб юрибди. Суд ҳукми, давлат қонунининг кучи қаерда қолди?

Юнусобод туманидан Л. Дудкинанинг хабар беришича, неварасини маошининг 30 фоизини давлатга ўтказиш шарти билан муддатидан олдин қамоқдан озод қилинган. Бироқ, уни ҳеч ерга ишга олишмаяпти. Иш ахтариб сарсон юрибди. Туман ИИБ раҳбарияти, тегишли хизматлар ходимлари қаерга қарашяпти? Нима учун ушбу шахсни ички ишлар идоралари томонидан ишга жойлаштириш чоралари кўрилмаяпти?

Термизлик Жумиев участка вакили ҳеч қандай санкциясиз уйни текшириши мумкинми, деб сўради. Айрим ҳолларда вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тезкор маълумот олингач, кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун милиция участка вакили фуқароларнинг хонадонига текширув ўтказиш учун кириши мумкин, лекин бу тинтув эмас.

Яна бир неча қўнғироқ мактаб ёшидаги болаларнинг бозорларда арава тортиб юргани, савдо-сотиқ қилиб ўқишга бормаётгани ҳақида бўлди. Албатта, бундай ҳолатлар йўқ эмас. Болалар тарбияси билан милиция ходимлари ва уларни савдо-сотиқ қилишга, бозорда юришларига мажбурлаётган ота-оналари ўйлаб кўришлари керак.

Ўзбекистон Республикаси конституцион тузумига қарши, диний экстремистик ғояларни тарғиб этувчи турли хил варақаларни тарқатаётганларнинг аниқ исм-фамилиялари, яшаш манзиллари ва қаерда тарқатаётганлари ҳақида, шунингдек, жиноятлар содир этилгани, кимлар томонидан амалга оширилгани тўғрисида ҳам маълумотлар тушди. Албатта, бу ҳақда жойларга кўрсатмалар берилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Шу ўринда ички ишлар идораларини содир этилаётган жиноятлар ҳақида хабар берган айрим фуқароларнинг исм ва фамилиялари уларнинг илтимосларига кўра очиқ айтилмай, сир тутилганини эслатиб ўтамиз. Тушган саволлар бўйича тегишли жойларга ёзма равишда хабар берилади ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида газетада ҳам мақола берилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қўнғироқларнинг асосий қисми участка инспекторларининг фаолияти ҳақида бўлди. Милиция хизматида участка инспекторлари асосий таянч ҳисобланиши бежиз эмас. Чунки улар доимо халқ орасида, халқ билан бирга. Фуқаролар участка инспекторларининг ишини кўриб, бутун милиция хизмати ҳақида фикр юритишади. Айниқса, кўпроқ саволлар тушган Тошкент шаҳрида профилактика инспекторларига илгариги милиция участка вакили, вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ва ахлоқ, одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ходимларининг вазифалари юклатилган. Модомики шундай экан, фуқароларнинг фикрини ўрганиб, уларнинг хизматини янада яхшилаш ҳозирги кундаги энг долзарб вазифадир.

Содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шу билан бирга фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга профилактика хизмати ходимлари ҳамиша тайёрдирлар.

Таҳририят.

Миннатдорчилик

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

Халқимизда "Олтин олма, дуо ол" деган нақл бор. Дуонинг қадрини эса олганлар билади. Ҳаётда ҳар хил воқеалар, турли-туман одамлар учрар экан. Мен шу ўринда Ургут тумани Амир Темур жамоа хўжалигида участка вакили бўлиб хизмат қилаётган Дилмурод Бойматов тўғрисида ёзгим келяпти.

Дилмуроджон бизга участкавой бўлиб келганига ҳали кўп вақт бўлмади. Лекин ҳаракатчанлиги, ўз касбига меҳри тезда билинди. Ҳозир маҳаллаларимизда ўғирликлар, гиёҳвандликлар, ичкиликбозликлар кескин камайди.

У ҳар куни маҳалла посбонлари билан осойишталикни кўздан кечириб юради. Жадвалда кўрсатилган вақтда идорасида бўлади. Қурбон ҳайити, Наврўз кунлари ёлғиз қариялларнинг, қарамоғида ногиронлари бор оилаларнинг ҳолидан хабар олди.

Айрим ички ишлар ходимлари таъмагир, қўпол бўлади деб эшитган эдим. Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмайди. Лекин улар орасида Дилмуроджонга ўхшаган яхшилари кўплигига ишонаман.

Инсон учун юрт тинчлигидан улуғроқ неъмат йўқ. Биз бунинг қадрига етишимиз керак. Ана шу тинчлик-осойишталик посбонлари ҳаққига 81 ёшлик онахонларингизнинг қилган дуосини газеталарингиз орқали эгаларига етказсанглар.

Илоё уларнинг жонлари соғ бўлсин, умрлари узоқ бўлсин, тупроқ олсалар олтин бўлсин, олтин бошлари омон бўлсин деб

Бусаро аянгиз.

Ҳуқуқий маданият ва тарғибот

ҲАМКОРЛИК: САМАРА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Вакиллик органларига ва Президентлик учун бўлган сайловлар жамият сиёсий-маънавий ҳаётида катта синов бўлди. Ўзбекистон XXI асрга сиёсий якдиллик ва барқарорлик билан дадил кириб келаётганлиги жумлаи жаҳон олдида яна бир бор ўз исботини топди. Бошқача айтганда, сайловлар жамиятимизнинг сиёсий-маънавий, демократик ғалабасига айланди. Бугун биз маънавиятни наинки қутқариб қолиш, балки уни ҳаётимизнинг усутвор йўналишига айлантиришдек неъматга мушарраф бўлдик.

Дарҳақиқат, маънавий маърифат, маънавий маданият соф ахлоқий ҳодиса сифатида жамият қиёфасини белгилайдиган, унинг демократик ҳуқуқий мақомини тайин этадиган қадриятдир. Ҳаётнинг маънавият устувор моҳият касб этмаган бирор жабҳаси йўқлиги англаб етилгани жамиятимиз эришган улкан ютуқ бўлди. Бунга яқинда республика Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси, вилоятлар ИИБ тергов бўлимларининг услубий-назорат бўлинмалари раҳбарлари билан Тошкент Давлат юридик институти ва Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази томонидан ҳамкорликда уюштирилган амалий семинар мисолида яна бир бор амин бўлдик.

"Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг маънавий асослари" мавзуига бағишланган мазкур тадбир республика Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафитдиновнинг "Тергов ва маънавият" маърузаси билан бошланди.

– Тергов ишлари жуда мураккаб, – деди у ўз сўзида. – Жиноятни очиш, жиноятчини топиш, айби ёхуд қилмишини бўйнига қўйиш, исботлаш мутахассисдан, наинки, профессионал билим ва маҳорат, айни пайтда, катта тажриба ҳам талаб қилади.

Тергов, энг аввало, маънавий жараёндир. Агар фаолиятимизда қонунларга таянган, улардан мутлақо оғишмаган ҳолда маънавий моҳиятларга эътибор бермасак, биринчидан, қонунни бузган, иккинчидан мансабимиз, касбимизни суиистеъмол қилган, демак, адолатсиз ҳукм чиқарилишига, гуноҳсизни ноҳақ жазоланишига сабабчи бўламиз. Одамларда қонунларга, демак, жамиятга, одил сиёсатга, адолатга ишонч йўқолади. Жамиятда қонун устуворлиги бузилади. Терговчининг хатоси ёхуд ўз ишига масъулиятсиз қараши охир-оқибат хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Инсонлар тақдирини ҳал қилаётганлигимизни, демак, тергов ҳужжатлари фақат исботланган далилларга асосланган бўлишини унутмаслигимиз керак. Ана шундагина жиноятни келтириб чиқарган омиллар илдизи билан йўқ қилиб ташланади, қонун устуворлиги тўла таъминланади. Тергов, нафақат, қонунлар адолати, айни пайтда, тарбия мактаби ҳамдир. Бошқармада ҳар ойда уюштирилаётган "Маърифат сабоқлари" амалий семинари мазмунан ана шу олижаноб мақсадга сафарбар этилган.

– Бошқарма ташаббуси ижобий баҳоланишга лойиқ, – деди сўз олган Тошкент Давлат юридик институти ректори, профессор Ҳ. Бобоев. – Президентимиз Фармонига кўра ташкил этилган институтимиз ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ўз мақоми билан бевосита жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият тарбиясини шакллантиришга сафарбар этилган.

Мен биринчи чақириқ Олий Мажлис депутати сифатида жуда кўплаб қонунлар яратилишида бевосита иштирок этдим. Айни пайтда, Марказий сайлов комиссияси аъзоси бўлганим сайловлар тўғрисидаги қонунларнинг амалдаги ижроси жараёнларини кузатиш имконини берди. Хуллас, назарий ва амалий тажриба етарли. Лекин бугунги суҳбатимиз мазмунидан келиб чиққан ҳолда, бир муҳим масалани алоҳида таъкидламоқчиман. Биз қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни муҳокама қилиш, қўшимчалар киритишга эътиборни қаратган бўлсак-да, унинг маънавий асосларини назардан четда қолдирганимиз йўқ. Бошқача айтганда, ҳар бир қонун, унинг ҳар бир моддаси, аввало, инсон манфаатига, ҳақ-ҳуқуқига, эрки ва озодлигига хизмат қилиши лозимлиги, шу жиҳатдан унинг моҳияти инсоний-маънавий руҳ касб этиши муқаррарлиги эътиборда бўлди.

Маънавият ва ҳуқуқий тарғибот масалаларида ички ишлар идоралари билан Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳамкорлигини кенгайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, маънавият билан қонун, ҳуқуқ бир-бирини тақозо этувчи қадриятлардир. Бу ҳақда Тошкент Давлат юридик институти профессори Н. Шодиев ва доцент З. Ғафуров батафсил гапириб беришди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ўз фаолиятини давр талаби нуқтаи назардан қайта кўриб чиқди. Ички ишлар идоралари билан ҳамкорлик дастури тузилди. Дастурга кўра, ҳар ойда милиция ходимлари билан ҳуқуқий мавзуда амалий семинар ўтказиш анъанага айланиши таъкидланди.

У. БОЗОРОВ,
Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори.

ДАН ҳаётидан

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ДАН ходими автомобилни маст ҳолда бошқараётган ҳайдовчи ёки қоидани бузган йўловчини тўхтатса, уларнинг аксарияти "билмай қолибман" дея узр сўрашади. Бугун ҳам ҳайдовчининг ана шу баҳонаси менга эриш туюлди. Беихтиёр суҳбатга қўшилиб кетибман.

– Республикамизда қандай ойлик ўтказилди?

– Тозалик ойлиги-да...

Қоидабузарнинг бу жавоби менга "Маъриф ва Шариф" фильмидаги ака Шарифнинг аския билан аксияни фарқлолмаганини эслатиб юборди. Наҳотки республикамизда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги" ўтказилганидан бехабар кишилар ҳам бўлса?" дея ажабландим. Демак, ҳайдовчи ва йўловчилар онгли равишда ҳаракат хавфсизлигига амал қилмасалар, ДАН ходимларининг ҳар қанча чорловлари тошга сув қуйишга ўхшаб кетаркан. Акс ҳолда шу кунларда вилоятимизда 3020 га яқин тарғибот ишлари юритилган ҳолда, 15043 нафар фуқаро қоидани бузган бўлармиди? Ушбу ҳолатларда пиёда ва болалар улуши борлиги ачинарли. 299 нафар ҳайдовчи маст ҳолда рул бошқариши эса оқлаб бўлмас хатодир. Айрим бепарво фуқароларимиз ҳам йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқишига сабабчи бўлиб қолишмоқда. Ойлик бошлангандан шу кунгача 1777 нафар фуқаро ана шундай қоидабузарлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ушбу хатолар эса ачинарли якун топмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик, 1 мартдан 20 мартгача ҳайдовчи ва пиёдаларнинг бепарволиги сабабли 5 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди. 34 нафар ҳамюртларимиз эса жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди. Тўғри, бу борада фақат ҳайдовчи ва йўловчиларни айблаш ўринли эмас. Шу кунгача ДАНБ ходимлари таълим муассасаларидан тортиб, меҳнат жамоаларигача, шунингдек аҳоли яшаш жойлари, автохўжаликларда бўлиб, суҳбатлар ўтказишди.

Бироқ шоли курмаксиз бўлмаганидек, соҳа ходимлари ҳам нуқсонлардан холи эмас. Шу йил 17 март куни текширув ўтказилганда, Тўрақўрғон туман ИИБ ДАНБ ходимлари томонидан маст ҳолда машина бошқарган шахсларнинг яшаш ва иш жойларига хабарномалар юборилмагани аниқланди.

Ишлаб чиқилган тадбирлар режасини "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги" дейиш ўрнига, "Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги" деб хато номланган.

Тумандаги газлаштириш идораси мутасадди раҳбарлари эса ушбу режага нописандлик билан қараганликлари аниқланди. Яъни ишлаб чиқилган тадбирлар режаси қоғозда акс этган-у, амалда ҳеч қандай натижа йўқ.

Мингбулоқ туманида ҳам 19 кишилик комиссия ва 23-бандлик режа юқоридаги каби хўжакўрсинга тузилган экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят ИИБ ДАН бошқармасида тезкор йиғилиш ўтказилди. Унда ана шу камчиликларни бартараф этиш учун фикрлашилди. Лекин фуқароларимиз йўл қоидаси – умр фойдаси эканлигини унутмасликлари зарур.

А. ЮСУПОВ,
Наманган вилояти ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция подполковниги.

Хўжалик ва ҳуқуқ

ТАДБИРКОРНИ АЛДАШДИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий тадбиркорликнинг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. Каримов тадбиркорликка кенг йўл бериб, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидламоқда. Бунинг сабаби ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Энг муҳими, уларнинг ривож топишига кўмаклашиш, суяш, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб олишини таъминлаш талаб этилади. Шу ўринда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, амалдаги қонунлардан фойдаланишларига имкон яратиш асосий ўрин тутади. Бироқ, айрим ташкилотлар, идоралар томонидан тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан менсимай муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибдики, бу тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда "Эски жўва" бозори ва унинг атрофларида қайта қуриш, таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бозор ҳудудида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қурилаётган автомобиллар тўхташ жойи кенгайтирилиши муносабати Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 15 январдаги қарорига биноан шу ерда фаолият кўрсатаётган "Беҳзод-Шерзод" хусусий фирмасининг дўкони бузилиши керак бўлди. Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги Қонунида давлат ёки жамоат зарурати учун ернинг ҳаммаси ёки бир қисми олиниши керак бўлганда ер эгаси ёки ер ижарачисининг розилигини олиш, ер эгаси ёки ижарачига янги жойдан ер ажратиб бериш, ерга қурилган бинонинг ҳаражатларини давлат томонидан тўлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Амалдаги қонунга биноан Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги 1997 йил январь ойида "Беҳзод-Шерзод" хусусий фирмаси билан фирмага янги жойдан ер ажратиб бериш ва янги қурилиш учун кредит ажратиб бериш ҳақида шартнома тузган. Шартноманинг тадбиркор томонидан бажарилиши керак бўлган шартлари бажарилган. Фирма ўз вақтида дўконни бўшатиб бошқа жойга кўчиб ўтган. Бироқ, туман ҳокимлиги фирма учун янги жойдан ер ажратиб бериш, бузилган дўконнинг ҳаражатларини тўлаш ҳақидаги шартларни пайсалга сола бошлаган. Натижада фирма фаолиятини тўхтатишни истамай ижарага жой олиб дўконни юргиза бошлаган ва ҳар ойда 15 минг сўмдан ижара ҳақи тўлаган. Бу билан тадбиркорнинг ҳуқуқи поймол этилган.

"Беҳзод-Шерзод" фирмаси ана шу ҳақда хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этган.

Хўжалик суди фирма томонидан келтирилган ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан фирма билан тузилган шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаганлигини аниқлаб, тадбиркорнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларини тиклаган. Гарчи фирмага қарашли бўлган дўкон биноси 1997 йилда бузилган бўлса-да, туман ҳокимлиги ҳозирга қадар янги ер ажратиб бермаган, таклиф ҳам этмаган. Тадбиркорга бўлган бундай муносабат уни идорама-идора юриб, овора бўлишига олиб келган.

Олий хўжалик судининг қарорида айни кунда фирманинг дўкони ўрнидан фойдаланаётган "Эски жўва" масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамиятидан фирма ҳисобига у кўрган зарарни қоплаш учун 521 минг сўм ундириш, Тошкент шаҳар ҳокимиятига фирманинг бузиб ташланган дўкони ўрнига бозор ҳудудидан ёки бозор яқинидан ер участкаси ажратиб бериш мажбурияти юкланганлиги қайд этилди.

Давлатнинг амалдаги қонунларини бузишга, унга риоя этмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўзаро шартнома шартларини ўз вақтида тўлиқ бажариш учун ҳар иккала тараф ҳам баравар жавобгар ҳисобланади. Тадбиркорларнинг фаолияти, аввало, давлат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилар экан, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарур.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ҳукуматимиз томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги айнан ана шу мақсадни кўзлаб эълон қилинган эди. Бу борада Қорақалпоғистон республикаси ИИВ ДАНБ ходимлари ҳам фидойилик билан фаолият кўрсатишди.

Тарғибот бўлими бошлиғи, милиция капитани Бахтиёр Сарибоевнинг таъкидлашича телевидение, радио ва матбуотда чиқишлар билан бир қаторда автохўжаликларда, меҳнат жамоаларида, ўқув-тарбия муассасаларида, аҳоли яшаш жойларида кўплаб учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилди. ДАН назоратчилари ҳам ўз хизмат вазифасига ўта масъулият билан ёндошдилар. Албатта, бу ўзининг ижобий самарасини берди. Ойлик давомида 11.651 та турли хил кўринишдаги қоидабузарликлар аниқланди. Шулардан 191 таси автотранспортни маст ҳолатда бошқаришдир.

Маълумки, бундай тадбирларда нафақат ДАН ходимлари, балки кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этмоғи лозим. Афсуски, баъзи ҳамюртларимиз жамиятимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларга, олиб борилаётган ислоҳотларга лоқайдлик билан қарашади. Мустақиллик неъматларини мақташадию, уни мустаҳкамлаш ишларидан ўзларини олиб қочишади. Акс ҳолда мис, алюминий ўмариш мақсадида алоқа кабелларини, электр тармоқларини ва йирик транспорт воситаларини ишдан чиқаришмасди. Тадбир давомида осон бойишни ният қилиб, рангли металларни юртимиздан ташқарига олиб чиқишга уринганлар ҳам ушланди.

Жумладан, "Мискин" ДАН масканида "Мерседес" русумли автобус тўхтатилиб текширилганда, Нукус шаҳрида яшовчи З. П.га тегишли умумий нархи 141.340 сўмлик 2200 кг мис ва 200 кг бронза борлиги аниқланди. Қонликўл туманида Р. О. ва М. Н. бошқарувларидаги "ЗИЛ-130" русумли юк машиналари тўхтатилиб текшириб кўрилганда, умумий нархи 384.865 сўмлик 11.250 кг алюминий ва 150 кг мис парчалари топилди. Ўз уйининг ўғрилари юзлари шувит бўлиб, энди қонун олдида жавоб беришади. Қисқача қилиб айтганда, мазкур тадбир нафақат фуқаролар хавфсизлигини, балки ҳар қандай кўринишдаги жиноятчиликнинг олдини олишга ҳам қаратилган эди.

Шундай экан, эзгу мақсад йўлида қилинаётган хайрли ишлардан ҳеч ким четда турмаслиги керак.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

"01" ХАБАРЛАРИ

● Наманган тумани Боғишамол қишлоғи Тепа маҳалласи Соҳибкор кўчасида яшовчи А. Ҳайдаровнинг уйида газ плитасининг узоқ вақт ёниб қаровсиз қолдирилиши туфайли содир бўлган ёнғин натижасида уйнинг том қисми томга босилган 500 кг хашак ёниб кул бўлган. Хонадон эгалари 100000 сўм атрофида моддий зарар кўрганлар.

● Тўрақўрғон тумани Найманча қишлоғи, Найманча маҳалласи 118-уйда газ плитасидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши туфайли газ алангасидан уй эгаси В. Обиджоновнинг юзи ва кўкраги куяди, турмуш ўртоғи З. Ибрагимованинг ўнг қўли ва кўкраги куйиб жароҳатланган.

● Уйчи шаҳридаги Ўзбекистон кўчаси 33-уйда ёнғин содир бўлган. Ёнғин натижасида уйнинг чордоқ қисми ёнган. Ачинарлиси шуки, иситиш печкасининг мўриси носозлиги туфайли содир бўлган ёнғин қўшнисининг уйига ҳам ўтган. Уй эгаси Назаров Турсунбойнинг бепарволиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига беписандлиги натижасида икки қўшни 220000 сўм миқдорда моддий зарар кўришди.

● Поп тумани Келачи қишлоғи У. Икромов кўчаси 50-уйда яшовчи Р. Отажоновнинг уйида ҳам ёнғин содир бўлган. Натижада уйнинг том ва шифт қисми қисман, уй-рўзғор буюмлари ёнган. Газ плитасини ёқиб назоратсиз қолдирилиши натижасида содир бўлган ёнғин туфайли хонадон эгаси 140000 сўм моддий зарар кўрган.

Рустам ҲАФИЗХОНОВ.

ИККИСИ ҲАМ АЗАМАТ ЙИГИТЛАР

Осойишталик посбонлари

Аҳоли ўртасида умумий профилактик ишлар билан бир қаторда турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан якка тартибда тушунтириш ишлари олиб бориш милиция участка вакиллари ва профилактика инспекторларининг асосий вазифаларидан биридир.

Айниқса, республикамиз билан қўшни бўлган хорижий ва МДҲ давлатларида сўнгги пайтда юзага келган мураккаб оператив вазиятдан келиб чиққан ҳолда, чегара ҳудудларида хизмат қилаётган милиция участка вакиллари томонидан содир этилган жиноятларни очиш, уларга йўл қўймаслик, турли ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз хизмат вазифасига виждонан ёндошаётганлиги сабабли ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг олқиши, миннатдорчилигига эришаётган, айнан хорижий давлатлар билан чегарадош ҳудуддаги аҳолига хизмат кўрсатаётган 2 нафар милиция участка вакилининг шу йил февраль-март ойларидаги фаолиятларига тўхталмоқчимиз.

Термиз тумани ИИБ милиция катта участка вакили, милиция майори Шавкат Нодиров ички ишлар идораларида 1982 йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. Унинг катта ҳаётий ва касбий тажрибасини инобатга олган туман ИИБ раҳбарияти тезкор вазияти ниҳоятда оғир бўлган, қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан чегарада жойлашган Халқобод жамоа хўжалигига милиция катта участка вакили лавозимига тайинлади.

Маъмурий ҳудудда 5855 нафар аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланишади. Айни пайтда аҳолининг 23 нафари илгари судланганлар, 6 нафари озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлар, 6 нафар оилавий жанжалкашлар, 2 нафари ҳуқуқбузар вояга етмаганлар, 9 нафари спиртли ичимликка руҳу қўйганлар, 13 нафари гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилувчилардир.

Милиция майори Шавкат Нодиров ушбу маъмурий ҳудудга бириктирилган биринчи кунданоқ ўз фаолиятини хўжалик аъзолари, уларнинг турмуши, ҳар бир оиланинг моддий аҳволи ва даромад манбаи, қариндошуруғлари ва алоқалари билан танишишдан бошлади. Вазиятни баҳолаш, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш билан бир қаторда, халқ осойишталигини таъминлашда ўзига кўмак берадиган шахсларни ҳам аниқлаб олди.

Ўз хизматини маҳаллага, аҳолига таянган ҳолда ташкил этган милиция катта участка вакили бир ой муддат давомида 6 та ўғирликни изи совимасдан очишга, шунингдек, 1 та гиёҳвандлик жиноятини аниқлашга эришди.

Масалан, хўжаликнинг 3-бригадасида истиқомат қилувчи Тоштемир Бойхоновнинг молхонасидан тунда номаълум шахслар 1 бош сигирини ўғирлаб кетишади. Олиб борилган ишлар натижасида орадан 8 соат ўтгач ушбу жиноятни шу хўжаликда яшовчи Шавкат Султонов ва Холмурод Жумаевлар содир этганликлари аниқланиб, жиноятчилар қўлга олинди.

12 февраль куни тунги соат 24.00 ларда номаълум шахс 3-бригадада истиқомат қилувчи фуқаро Нодир Тангаловнинг уйига дераза орқали кириб, турли хил уй-рўзғор буюмлари ва аёллар кийим-кечакларини ўғирлаб кетади. Тезкор суриштирувлар натижасида ушбу жиноятни Музрабод тумани жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Узукжамол Ўзбекова содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинган.

18 февраль куни хўжалик ҳудудида "Антитеррор" тадбири ўтказилганда 1-бригадада истиқомат қилувчи фуқаро Дилмурод Холниёзов катта участка вакили томонидан ички ишлар идорасига олиб келиниб, шахсий тинтув ўтказилганда шимининг чўнтагидан гугурт қутисига жойланган 5 г опий гиёҳванд моддаси топилади.

Унга бириктирилган маъмурий ҳудудда 11.500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Милиция участка вакили томонидан жорий йилнинг январь-февраль ойлари мобайнида 67 нафар турли маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар аниқланган бўлса, фақатгина февраль ойида унинг шахсий ташаббуси билан 2 та жиноят очилди.

Масалан, 19 февраль куни Навшаҳар жамоа хўжалигининг 2-бригадасида яшовчи Оқсултон Аллабердиева 400 г героин гиёҳванд моддаси сотаётганда қўлга олинди.

1 март куни шу хўжаликда истиқомат қилувчи Баҳодир Шерназаров ғаразли мақсадда қумга кўмиб қўйилган қирқма ов милтиғи, 1 дона "Ф-1" жанговар граната ва ҳарбий пичоқни яшириб қўйган жойдан қидириб топишга муваффақ бўлди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қаерда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан аҳоли, жамоатчиликнинг ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилса, ўша ерда содир этилган жиноятлар очилиши, содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига имкон яратилади. Шундай экан, барча профилактика хизмати ходимлари, милиция участка вакиллари ва профилактика инспекторлари олиб борилаётган умумий профилактик чоралар, тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтиришлари талаб этилади.

Ф. ИСЛОМОВ,
милиция майори.

КЎЧА... УННИНГ ИККИНЧИ УЙИ

Тергов амалиётидан

...Катя С., 1984 йилда туғилган. Ғаразли мақсадда ўз бувисини ўлдирган...

...Константин В., 1983 йилда туғилган ва Анвар К., 1984 йилда туғилган. Безорилик қилиб Александр П.га тан жароҳати етказишган. Натижада у ўзига келмай вафот этган...

...Балоғат ёшига етмаган Холиқов, Жуманиёзов, Тожиевлар. Дўконни ўмариш мақсадида қоровулнинг саккиз жойига пичоқ уришган...

Ушбу сатрларни ўқиб, беихтиёр кўнглингизда ҳали ҳаёт нималигини тузукроқ англаб етмаган болаларда бу даражадаги шафқатсизлик қандай пайдо бўлган экан, деган ўйга боришингиз табиий. Совуққонлик билан ўзгалар жонига қасд қилаётганда улар қалбида нега ачиниш, меҳр-мурувват туйғулари уйғонмади?

Бу каби саволларга жавоб бериш анча мушкул. Вояга етмаган болалар ўртасида рўй бераётган жиноятларнинг асосий сабабларидан бири улар руҳиятига ғарб киносининг таъсиридир. Телевизор экранларида "парабола" ёки "кабеллар" ёрдамида зўравонликни тарғиб этувчи жангари ва даҳшатли фильмлар кўрсатилаётганини кўп марта гувоҳи бўлганмиз.

Бундай ҳолат юқоридаги каби воқеалар келиб чиқишининг бир йўналиши, холос. Фикримизни суҳбатдошимиз, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Ф. Набераев ҳам маъқуллади.

– Ўз фаолиятимиз давомида оилавий муҳит ёмонлиги туфайли жиноят кўчасига кирган болаларга дуч келаяпмиз, – деди у. – Баъзан, ҳатто энди юриш ва гапиришни ўрганган бола ўз ҳолига ташлаб қўйилгани кузатилмоқда. Уларнинг ота-онаси одатда ичкиликка берилиб кетишади ёки гиёҳвандлик моддаси истеъмол қиладилар. Ўзларига нисбатан эътибор йўқлиги ва меҳр-шафқат кўрсатилмаслиги уларни ўзгалардан мадад излашга мажбур қилади. Шу зайлда кўча иккинчи уйларига айланади. Бу болалар кўпинча жиноят қилишга мойил бўлган катталарнинг таъсирига берилиб, орадан бир-икки йил ўтгач, эркин ҳаёт кечиришга одатланиб қоладилар.

Катя С. билан рўй берган воқеа бунинг далилидир. Эри вафот этгач, онаси ичкиликка ружу қўяди. Натижада у оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Вояга етаётган Катяни насиҳатгўй бувиси билан яшаш қониқтирмай, "эркинлик нони"дан татиб кўра бошлайди. Бувиси уни йўлга солмоқчи бўлиб, меросдан маҳрум этажагини айтади ва шунинг учун "совға" билан тақдирланади.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими, жамиятимизда тобора ўсиб бораётган хавфнинг олдини олишдир. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин? Аввало мактаб, маҳалла қўмиталари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўзаро алоқада ҳаракат қилишлари зарур. Кейин кўпчилигимиз кўникиб кетган бефарқликдан халос бўлсаккина кутилган натижани қўлга киритамиз.

Нобоп оиладан чиққан "тарбияси оғир" ўсмир бўлса йўриғи бошқа. Бироқ кўплаб ҳуқуқбузарлик содир этаётган болалар тўлиқ таъминланган, ҳеч нарсадан камчилиги бўлмаган оилада яшаб, ота-она бағрида камол топаётганлардир.

– Менимча, – деди Фидел Исмоилович суҳбатни давом эттириб, – бундай ҳолатларда барча масъулият ота-она зиммасига тушади. Улар фарзандимни моддий таъминлаб, ота-оналик бурчимни адо этдим, деб ҳисоблашади. Боланинг дунёқараши, кимлар билан дўстлашаётгани эса қизиқтирмай қўяди. Оғзидан папирос ёки ичкилик ҳиди келиб турса ҳам буни шўхликка йўйиб, вақти келиб қуйилиб қолар, дейишади. Бундай бепарволик кўпинча хунук оқибатларга олиб келади.

Ҳар биримиз кўчада ўсмир папирос чекиб кетаётганини кўп кўрганмиз. Эҳтимол барчамизнинг дилимиздан унинг ота-онаси қаёққа қараяпти ўзи, деган ўй ўтган бўлса ажаб эмас. Шуни ўйлаймизу, аммо бирортамиз болани тўхтатиб, танбеҳ бермаймиз. Балки кеч бўлмай уни тергаб қўйишимиз керакдир...

Н. ХАЛЛИЕВА.

ЭЛГА ҚИЛСАНГ ЁМОНЛИК...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариш юзасидан республика ички ишлар идоралари ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Фарғона вилояти ички ишлар идоралари ходимлари йил бошидан буён рангли металл, радио, алоқа ва электр симларини ўғирлаш билан боғлиқ 40 тадан ортиқ ҳолатни аниқлаб, тегишли чора-тадбирлар кўришди. Лекин шунга қарамай айрим кишилар ҳамон ўз қилмишларини давом эттиришмоқда.

Яқинда Олтиариқ туманида яшовчи тўрт нафар фуқаро Т. Бахтиёр, Х. Валижон, Қ. Анвар ҳамда Қ. Алижонлар Фарғона телеком очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли симлардан 4 минг метрини ярим кечаси электр симёғочлардан кесиб олаётганида ички ишлар ходимларининг сергаклиги туфайли қўлга олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон туманининг Каримдевона қишлоғидан ўтган магистрал газ қувурларини назорат қилиш тармоғига қарашли симёғочлардан ҳам 4 минг метрга яқин симлар номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилгани маълум бўлгач, туман ички ишлар ходимлари ушбу ўғирликда гумонлаб, уч фуқарони қўлга олишади. Гумон тўғри чиқиб бу шахслар, яъни Ҳусанбой Сатторов, Одилжон Усмонов ва Отабек Усмоновлардан 300 метр симлар далилий ашё сифатида олинди.

Жиноятни яшириб бўлмайди. Ахир қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади деб бежиз айтилмаган. Қолаверса, бу сингари ўғирликлар содир этиб халқни қоронғуликда қолишига сабабчи бўлаётган бундай кимсаларни элнинг қарғиши урмоқда.

Масалан, Фарғона тумани Чекшура қишлоғида яшовчи Нуриддин Ураимов аввалдан тайёргарлик кўриб, зарур асбоб-ускуналарни олиб рангли металл ҳисобланмиш электр симларини ўғирлаш мақсадида ярим кечаси тумандаги Бобур номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган симёғочга чиқиб электр симини кесиб олмоқчи бўлаётганида уни юқори кучланишли ток уриб, симёғоч устида тошдек қотиб қолди.

– "На посту" газетасида "Шайтанат" детектив қиссаси берилмай қолгани чакки бўлди. Уни катта қизиқиш билан ўқиб бораётган эдим. Газетага 1991 йилдан обуна бўламан. Кўпроқ аёл милиция ходимлари тўғрисида мақолалар ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

Р. ТЎХТАСИНОВ – Марҳамат тумани ИИБ ШТБИХ катта нозири:

– Газета ходимлар дунёқарашини шакллантириб, маънавиятини юксалтирмоқда. Уни нафақат милиция ходимлари, балки вилоятда яшаётган фуқаролар ҳам ўқиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

А. ВАЛИЛОВА – Бошқарма поликлиникаси шифокори:

– "Постда" газетаси бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Ҳозирда ҳамманинг ҳам бир нечта газеталарни сотиб олишга қурби етмайди. Газета орқали ўзимни қизиқтирган барча нарсалар – теледастурлар, мунажжимлар башорати, бошқотирмаларни кузатиб бораяпман. Менимча, жамоа эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслиги зарур.

Б. МАМАСОЛИЕВ – ЖҚБ ходими, милиция капитани:

– Жиноят-қидирув борасида газета яқин ёрдамчимизга айланган. Қидирувда бўлган шахсларнинг сурати ва тегишли материал газетада чиққач, фуқаролар бизга қўнғироқ қилиб, қимматли маълумотлардан хабардор қилишаяпти.

Э. ТУРДИҚУЛОВ – Хонобод шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция полковниги:

– Газета 1991 йилда иккинчи марта дунёга келганидан мамнунман. Ички ишлар идорасида дастлабки меҳнат фаолиятимни бошлаган пайтимда газета чиқиб турганини ёдимда. "Бош муҳаррир минбари" рукни остида берилаётган ва Андижон вилояти милицияси тўғрисидаги мақолалар билан мунтазам танишиб бораяпман. Газетада юморга кўпроқ ўрин берилишини истардим.

Маълумки, газетанинг жамоатчи мухбирлар билан алоқаси мустаҳкамланиб борган сари саҳифалар шунчалик ранг-баранг ва ўқимишли чиқади. Шу боис, Республика ИИВ Бирлашган таҳририяти муштарийларнинг хат ва аризаларига алоҳида эътибор бермоқда.

Шуни айтиш лозимки, таҳририятга келаётган хат-хабарлар орасида ички ишлар идоралари, шунингдек, милиция ходимлари ҳақида ҳикоя қилинган материаллар талайгина. Уларнинг айримларида милиция соҳасидаги баъзи муаммолар ҳам тилга олинган.

Шунақаси ҳам бўлади

ИМЗОСИЗ ХАТ НИҚОБИ ОСТИДА ёки СУҲБАТ БЎЛИБ ЎТМАДИ

Ҳа, муаммолар бор ва уларни ҳеч ким инкор этмоқчи эмас. Таҳририят бизга мурожаат қилаётган муштарийларимизга ҳар бир масала бўйича имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда.

Чирчиқ шаҳридан йўлланган хат бошқа номалардан деярли фарқ қилмайди. Хатжилд устига муаллифнинг манзили қайд этилган. Исм-шарифини ёзишни ҳам унутмаган – О. Сисоев.

Хатни олгач, муаллиф билан уни қизиқтираётган масала юзасидан очиқ гаплашиб олишга қарор қилдим. Аммо... матн охирида "...биз зиёлилармиз, шаҳардаги корхоналарда масъул лавозимларда ишлаймиз. Шу сабабли исм-шарифимизни очиқ айтсак бу мавқеимизга таъсир кўрсатиши мумкин", деб ёзиб қўйилган эди.

Хатда асосан маҳаллий ҳушёрхона ва унинг айрим ходимларига нисбатан норозилик билдирилиб, бу ерга одамлар асоссиз келтирилаётгани ва қўполлик қилинаётгани таъкидланган эди.

Келтирилган далилларни аниқлаш мақсадида Чирчиқ шаҳрида бўлишимга тўғри келди.

Биринчи навбатда паспорт хизмати ходимларидан муаллифни топишда ёрдам беришларини илтимос қилдим. Чунки мактуб имзосиз бўлиб чиқишига сира ишонгим келмасди.

Паспорт бўлинмаси ходимлари Сисоев сохта фамилия эканлигини айтишди. Хатжилдда кўрсатилган манзилда эса мутлақо бошқа кишилар яшаши ва таҳририятга йўлланган хатдан хабарлари йўқлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг ҳушёрхонада бўлиб, бу ерда олиб борилаётган ишлар, ходимлар, шунингдек, жамоадаги маънавий муҳит билан қизиқдим. Шаҳар ИИБ ходимлари, оддий милиционерлар билан суҳбатлашиб, масалага холис ёндошишга ҳаракат қилдим.

Бундай вазиятда бир нарсани излаб, одатда бошқасига дуч келасан, киши.

Ҳушёрхонада қийинчиликлар мавжуд бўлишига қарамай шундай бўлинмалар орасида илғорлардан бири эканлиги, "мижоз"ларга тиббий хизмат кўрсатишда ҳам алоҳида ажралиб туриши маълум бўлди. Бу ерга келтирилганлардан бирортаси ходимлар ҳақида салбий фикр айтмади.

Имзосиз хатда ҳушёрхона "меҳмонлари"га қўпол муносабатда бўлган айрим ходимлар кўрсатиб ўтилган эди. Бу ҳам ўз исботини топмади. Агар муаллиф исм-шарифини айтганда, ишончим комилки, суҳбатимиз очиқ-ойдин кечарди.

Яна бир томони, шаҳар ИИБ раҳбарияти фуқароларнинг шикоят ва эътирозларига катта аҳамият бериб, масалани иложи борича улар фойдасига ҳал этишга ҳаракат қилаяпти.

Бутун бошли бўлинма жамоасига имзосиз хат ниқоби остида бўҳтонлар ёғдириш осон. Аммо бунинг оқибатини ўйламаслик ёмон. Шундай мактубларга дуч келганда, номаълум муаллиф ҳозир бошқа замонлар эканлигини унутмаслигини истардим. Агар ҳақ бўлсангиз, марҳамат, очиқчасига охиригача курашсангиз ўзингиз кутган натижага, албатта, эришасиз.

Ш. АҲМЕДОВ.
Чирчиқ шаҳри.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

1999 йил 26 июнь куни Бухоро вилояти Қоракўл тумани Оталиккўл чўли ҳудудидан оқиб ўтувчи Ёмонжар каналидан Осиё миллатига мансуб 30–35 ёшлардаги шахси номаълум аёл кишининг тан жароҳатисиз жасади топилди.

Белгилари: бўйи 155–160 см, сочи қорамтир, узунлиги 50 см, боши чўзиқроқ шаклда, пешонаси кенг, баланд, қош ва киприклари қорамтир рангда.

Кийимлари: эгнида оқиш рангли ярим синтетик матодан тайёрланган аёллар чўмилиш кийимидан бошқа кийимлари бўлмаган. Чап қўлининг иккинчи бармоғида сариқ рангли металлдан ясалган никоҳ узуги бор.

Номаълум шахсни таниган ёки билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Хонқа тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар

Фахриддин Юсупович МАТНАЗАРОВ, 1975 йилда Урганч шаҳрида туғилган, Хонқа тумани "Дўстлик" жамоа хўжалигида яшаган.

Белгилари: бўйи 170–175 см, сочи, кўзи, қоши қора, қулоқ, бурни ўртача лаблари катта.

Қаландар ҚАЛАНДАРОВ, 1954 йилда Хонқа тумани Намуна қишлоғида туғилган, Хонқа тумани "Ғалаба" жамоа хўжалигида яшаган.

Белгилари: бўйи 165–170 см, сочи қора, қоши ёйсимон, қулоғи катта, бурни тўғри, сақолмўйлов қўйган бўлиши мумкин.

Ғулом Исмоилович АБДУЛЛАЕВ, 1963 йилда Хонқа туманида туғилган, Хонқа тумани А. Қаҳҳор кўчаси 72-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 170–175 см, сочи қора, юзи думалоқ, сочини ўнг томонга тарайди.

Ойша Алимовна ИБРАГИМОВА, 1967 йилда Хонқа туманида туғилган, Хонқа тумани Широқ кўчаси 17-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 150–155 см, сочи, қоши қора, кўзи катта думалоқ, лаби катта, юзи узунчоқ, гавдаси ўртача семизликда.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, билган ёки улар тўғрисида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар қилишларини сўраймиз.

"ПОСБОН" ХИЗМАТДА

Андижон вилояти ИИБ қошида "Посбон" чолғу оркестри ташкил этилди. Оркестрнинг вужудга келишида ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Мадаминжон Шамшиддиновнинг ҳиссаси катта бўлди. Жамоага танлов асосида ёш мусиқачилар жалб этилди. Ўн икки нафар мусиқачилардан иборат оркестрни мусиқа асбоблари билан таъминлашда вилоят касаба уюшмалари қўмитаси, болалар мусиқа мактаби, санъат билим юрти жамоаси яқиндан ёрдам берди.

– Оркестрда машғулотлар қизғин, – дейди биз билан суҳбатда дирижёр Акрамжон Шамсиддинов. – Шу кунларда дастуримиздан юртимиз мадҳияси, хориж классик куйлари, ўзбек композиторлари, ҳарбий марш куйлари ўрин олган. Келгусида ички ишлар тизимида хизмат қилаётган ходимлар фаолиятини ёритувчи, касб шарафини мадҳ этувчи куй ва қўшиқларни томошабинларга ҳавола этиш ниятидамиз.

"Посбон" чолғу оркестри яқинда вилоят ички ишлар бошқармасида ўзининг дастлабки концерт дастурини ҳавола этди. Қарийб уч юздан ортиқ тингловчини ўзига ром этган бу тадбирда янграган ҳар бир куй ва қўшиқ тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Қолаверса, бошқармада ҳафтада бир марта ўтказиладиган маърифат дарсининг "Посбон" чолғу оркестри иҳросидаги юртимиз мадҳияси билан бошланиши дарсга ўзига хос тантанали тус бермоқда.

"Посбон" чолғу оркестрининг келгуси фаолияти гуллаб-яшнашига ишончимиз комил.

Саминжон ҲУСАНЗОДА,
Андижон вилояти.

Суратда: "Посбон" чолғу оркестри жамоаси.
Сурат муаллифи Борис КЛЕЙМАН.

Сиз нима дейсиз?

АМАКИ, ЭШИКНИ ОЧИНГ!

Эрталаб ишга кетаётиб бекатда автобус кутиб турган эдим. Мактабга кетаётган болалар узоқдан келаётган автобусни кўриб чуғурлаша бошлашди.

– Э, анави мўйловли ҳайдовчи, бизни чиқармайди.

– Мени пулим бор, чиқаради.

– Кейингисида кетамиз.

– Униси ҳам чиқармаса-чи?

Бу орада автобус келиб тўхтади. Чипта сотувчи ёшгина йигитча (чипта сотишга ҳаққи борми-йўқми – буниси номаълум) тушди-да:

– Ҳой, чурвақалар, мактабингга яёв борларинг, автобусга чиқармайман.

Ичкаридан ҳайдовчининг овози эшитилди:

– Болаларни чиқарма, пул тўламайди.

Бирин-кетин автобусга чиқдик. Чипта сотувчи катталар чиқиб бўлиши билан, ўзи ҳам чиқди-да, ҳайдовчига ишора қилди. Автобуснинг эшиги ёпилди. Шунда пастда қолган болалар:

– Амаки, эшикни очинг, мактабга кечга қоламиз, – дея ялина бошладилар.

– Ўғлим, мактаб болаларини нега чиқармайсиз, дарсдан кечга қолишади-ку? – деди кекса аёл ойнадан болаларни кузатиб тураркан.

Ҳайдовчи қошларини чимириб:

– Автобус хусусий, хоҳлаган одамни чиқараман. Болалар пул тўламайди, кимга керак текинга юрадиган йўловчини ташиш.

– Ҳукумат болалар учун қанча-қанча савоб иш қиляпти-ю, сиз ҳам озгина савоб олсангиз яхши эмасми?

– Индамай кетавермайсизми, кампир, хоҳласам сизни ҳам тушириб юбораман.

Мен ҳам ҳайдовчига гапириб кўрдим, аммо бефойда. Кейин шу воқеани газетага ёзсам, кўпчилик ўқиб мулоҳаза қилган маъқул деган хулосага келдим.

А. ОДИЛОВ,
Жиззах шаҳри.

Таҳририятдан:

Жиззахлик А. Одилов қаламга олган воқеа бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам учраб туриши сир эмас. Мактаб ўқувчиларини жамоат транспортида бепул юришларига рухсат бериш масаласини ўйлаб кўриш вақти етди деб ўйлаймиз. Оиласида учтўртта фарзанди мактабга борадиган ота-оналар ҳар куни болаларига транспорт ҳақи учун пул топиб беришга қийналишлари табиий. Соғлом авлод йилида фарзандларимиз учун кўплаб хайрли ишлар қилиняпти. Шулар қаторида бу масала ҳам ижобий ҳал этилса, нур устига нур бўларди.

ҚИЗИМ ДЕДИМ СИЗНИ, КЕЛИНИМ!

(Биринчи насиҳат)

Балоғатга етган ҳар бир қиз келин ва она бўлиш орзусида яшашлиги турган гап. Ақлли, ҳушли, одобли ва чидамли келинлар ўз оиласининг, эрининг сирларини бировларга фош қилмайди. Никоҳ эндигина экилган кўчатдир, уни гуллатиш сиз билан куёвга боғлиқдир. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатаяптики, яхши келин қизингдек бўлар экан, ёмони эса ўғилдан айирар экан. Қизим, сиз яхши келин бўлинг. Яратгандан илтижо қилинг, соғлом, ақлли ва меҳнатсевар фарзанд ато этсин, чунки дунёда бор мавжудотларнинг ўз меваси бўлади, инсон меваси фарзанддир. Ақлли, хушмуомала, ширинсўз келин оила шодлигига шодлик қўшади, ҳар қандай ўжар, қайсар қайнона ва қайнотани ҳам инсофга келтиради. Ҳурматли келиним, тилингизни тийсангиз, бетга чопар бўлмасангиз, бардошли бўлиб, бир гапдан қолсангиз ва ширинсуханлик билан умр кечирсангиз, қайнонақайнотангиз ва турмуш ўртоғингиз сизга умр бўйи парвона бўладилар, охират ҳаётингиз ҳам хайрли бўлади, бунга ишонинг.

Илгари ўтган донолар айтишича, келиннинг оёғи қутлуғ келса, дили пок, қўли очиқ, ўзи одобли, ҳаёли, жисмоний соғлом, чаққон бўлса, шу хонадон файзли хонадонга айланар экан.

Ота-боболаримиз "Онангни отангга бепардоз кўрсатма", дейишган. Айтмоқчиманки, турмуш ўртоғингиз ишдан қайтиш олдидан тоза, нафис, ўзингизга ярашадиган либосингизни кийиб олинг. Сўнг оз бўлса-да, пардоз-андоз қилиб, турмуш ўртоғингизни очиқ чеҳра билан қаршилаб салом беришни унутманг.

Яхши қайнона иккинчи она, яхши қайнота иккинчи отадир. Она меҳрида қуёш ҳарорати бор, унинг кўнгли дарё. Отага тик боққан одам рўшнолик кўрмайди. Отанинг дили оғриса, замин титрар экан. Ота кўз ёш тўкса, юраклар ларзага келар экан. Яхши фарзанд отанинг қаноти, онанинг нажоти ва ширин-шакар новвотидир.

Ҳурматли келиним, Сиз ҳам бизларнинг фарзандимизсиз. Қилган насиҳатларимдан хулоса чиқарасиз, оғир-енгилимизни кўтарасиз ҳамда яхши ишларимизни ошириб, ёмон ишларимизни яшириб, иззат-ҳурматда, бирғаликда ҳаёт кечирасиз деб умид боғлаб қоламан.

Сизни қизи ўрнида кўрувчи қайнотангиз.

Оққа кўчирувчи
Абдусаттор АБДУРАҲИМОВ.

Сирдарё вилояти ИИБ хабарлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Сардоба қўрғонида яшовчи Марат Б. беш марта судланган. Фойдали иш билан шуғулланиб, ҳалол яшашга бўйни ёр бермайдиган бу йигит қўшниси К. Шариповнинг уйидан 2та гилам ва бир палосни ўғирлаб, бозорда сотаётганида Оқ олтин тумани ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

● Оқ олтин тумани Улуғбек номли деҳқон-фермер хўжалигида яшовчи С. Худойбердиев Бобур номли ширкатлар хўжалиги ишчиси О. Ваққосовнинг уйидан "Рубин" рангли телевизорини ўғирлаб кетади. Бироқ, "ўлжа"ни сотишга улгурмай, милиция ходимларининг қўлига тушди.

● Т. Гаврилова тирикчиликнинг нопок усулини топиб олди. У у ўз уйида қўшмачилик қила бошлади. Навбатдаги "ошиқлар"га ётоқхонасини бўшатиб бериб, "хизмат" ҳақини санаб олаётганда қўлга тушди.

● Бахт шаҳридаги биллиардхоналардан бирида тоза мириқиб ичиб олган И. Ҳамробоев шишадоши А. Саъдиев билан жанжаллашиб қолади. Ўртада пичоқ ишга тушади ва И. Ҳамробоев ошнасини пичоқлаб ўлдириб қўяди.

● Гулистон шаҳрилик А. Нижурин куппа-кундуз куни ҳаммаҳалласи С. О уйидан турли хил буюмларни ўғирлаб кетаётганида милиция ходимлари томонидан далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Д. МУРОДОВ,
милиция старшинаси.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Наманган шаҳар ИИБ томонидан Садриддин Ўринбоевич Ахунов қидирилмоқда. 1957 йилда туғилган, Наманган шаҳар, А. Тўқаев кўча, 1-уйда яшайди. 1999 йил 8 декабрь куни уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 170–175 см, ўртача гавдали, озғиндан келган, қош-кўзлари қора, сочлари калта оқ оралаган, қулоқлари катта, ўнг қулоғида ортиғи бор, тепа лабида 2 см атрофида чандиғи бор. Руҳий касал.

Кийимлари: бошида чуст дўппи, эгнида кўк рангли "Адидас" кулранг жемпер, оёғида калиш бўлган.

Бедарак йўқолган Садриддин Ахуновни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Оқдарё тумани ИИБ томонидан Маликшоҳ Ҳафизович Усмонов жиноят содир этиб терговдан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда. У 1975 йилда туғилган, Оқдарё тумани, Лойиш шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 14-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 165–170 см, ўрта гавдали, сочи қора, қоши қалин, бурни катта, кўзи катта.

Ушбу шахсни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Бу турфа олам

СЕМИЗЛИКНИ ҚУЙ КЎТАРАДИ

Вильнюснинг Паневежис деган жойида яшовчи Ш. Янина исмли аёл ўзини ўзи уй қамоғига ҳукм "қилган". Қандай қилиб, дейсизми?

Ўн йилдирки, у уйдан ташқарига чиқмайди. Сабаби – ўта семизлигидан ҳаракатланишга қийналади. "Ўзининг вазни неча килограммлигини билмайдиган бу аёл йигирма йил аввал тарозига чиққанида унинг вазнини аниқлаш учун тиббиёт тарозисининг тоши етмаган", – деб ёзади "Летувос Ритас" газетаси.

Янина кун бўйи уйда ўтиради. У ҳассага таяниб, бир неча қадам босади, холос. Унинг умуртқаси қийшайган, чап оёғи ўнгидан ўн сантиметрга қисқарган. Қизи онасини ошхонада ювинтиради, чунки у ваннахонага сиғмайди. Айнан мана шу қизи туғилганда, бундан 25 йил аввал Янинанинг организмида қандайдир ўзгариш бўлган ва у тинимсиз семира бошлаган.

ИСМ ТАНЛАШДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларидан бири – болага чиройли исм қўйиш. Лекин чиройли, жарангдор исм ўйлаб топган ота-она унинг мазмунини ҳам ўйлаб кўрса – ёмон бўлмайди.

Руандаги мактабларнинг бирини математика ўқитувчиси Шарл Огюст Франжье Гомернинг "Илиада"си таржимасини ўқиб, ундаги сўзларнинг жарангдорлигидан ҳайратда қолди. Ва оиласида эгизак фарзандлар туғилганда ўғлининг исмини Орест, қизини эса Ифигения деб атади. Йиллар ўтиб, фарзандлар улғаяверди. Бир куни Сарбонна университетининг қадимий грек тили ўқитувчиси ота-оналаридан фарзандларининг исмлари француз тилида қандай маънода бўлишини билиш-билмасликларини сўради. Маълум бўлишича, Орест – "қўпол", "ёввойи", Ифигения эса – кети семиз деган маънони билдираркан. Буни эшитган болалар, айниқса нозиккина қизчанинг қанчалик хафа бўлганини тушуниш мумкин.

ТОБУТНИ... СОТИБ, ИЧИШДИ

Эстониянинг Тарту шаҳрида яшовчи икки аёл ичкилик сотиб олишнинг ғалати йўлини топишди.

Касалхоналардан бирида 75 ёшли ёлғиз аёл вафот этганда унга қўшни яшовчи икки аёл шифокорларга: – Қўшнимизни ўзимиз кўмамиз, – дейишди. Қўшни аёлларнинг гапига ишонган шифокорлар кўмиш маросимига ажратилган 1500 кронни уларга беришди. Орадан бир неча кун ўтиб, кўмиш маросими қандай ўтганини билиш учун қўнғироқ қилган шифокорлар телефон рақами сохта эканлигини билиб, дарҳол ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар қилишди.

"Жонкуяр" қўшниларни топиш қийин бўлмади: улар ғирт маст, шўрлик кампирнинг жасади эса кўмилмай, уйда ётар, давлат томонидан ажратилган пулни аёллар ичиб тугатганди. Жанжал чиқди. Ичкиликбозлар ваъдаларини бажаришга сўз бердилар. Лекин пул йўқ-ку?!

Кўмиш маросимига давлат томонидан пул ажратилгунича яна бир ҳафта ўтди. Қўшни аёлларнинг "қилмиши" билан ҳозир полиция шуғулланмоқда.

ЧУВ ТУШИРИШДИ-Ю...

Ново-Савинов (Қозон) туманидаги пуллик автомобиль тўхташ жойига "Ока" русумли машинасини қўйган одам эрталаб чиқиб қарасаки, автомобилининг орқа ғилдираклари йўқ: ўрнига ғишт териб қўйишибди.

Ноилож қолган жабрланувчи яқин орадаги бозорга бориб янги ғилдирак олди. Уни жойига ўрнатаётганда эса... ғилдиракларни таниб қолди – улар ўз машинасиники эди. Демак у 450 рублга ўз мулкини қайта сотиб олибди-да?!

Милиция ходимлари яна бир қанча ғилдиракларни сотиб ўтирган одамни дарҳол тутдилар. У бу ғилдиракни бир номаълум йигит ўта арзон нархда сотиб кетди деб минг таъкидламасин, далилий ашёлар шундоқ кўриниб турибди – қонун эса ҳаммага баробар.

Бировларнинг машинаси ғилдирагига ишқибозлик қилувчилар "Ока"нинг эгасини чув туширишди-ю, кутилмаганда ўзлари ҳам қўлга тишишди.

ҚОТИЛ... ҚОТИЛ ЭМАС

(ҳикоя)

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Ишдан чарчаб келиб, барвақт ухлаб қолган Ислом Ғоиповнинг уйқуси қочиб уйғонганида соат миллари тунги ўн иккидан ошган эди. Туннинг сокинлигини соатнинг чиққилаши-ю хотинининг беозор хурраги бузиб турарди, холос. Ҳали кичкина бўлса-да, кўкдаги ўроқ шаклидаги ой нури хонага тушиб, ўзгача файз таратади. Хотинига суқланиб боқкан эр унинг сочларини меҳр билан силади.

– Нима бўлди? Ғалати тушлар кўрдингизми ё? – уйғониб кетиб сўради хотини.

– Кўнгил қурмағур...

– Сизнинг кўнглингиз нуқул тонг отганда тусайдими? – гапини бўлди хотини. – Энди ёш эмасмиз, иккита келинлик бўлдик. Болалардан уяламан ярим кечаси сув-пув кўтариб юришга, – деди хотини бошини қайта ёстиққа қўйиб.

– Шу шаҳарда "дом"дагиларга мазза-да, иссиқ-совуқ сув келиб турибди. Бунақанги ишларда ҳеч проблемалари йўқ, – зорланди эр ва туриб кийина бошлади.

– Ҳа қаёққа?

– Уйқум қочди, бориб моллардан хабар олай.

Хотин эрининг феълини сув қилиб ичиб юборгани учун секин ўрнидан туриб, печкага ўт қалади ва сув қиздира бошлади. Аммо ҳа деганда эри келавермаганига ҳайрон бўлди. Балки ҳожатхонага киргандир деб ўйлаб пича кутиб ётди. Кўзи илинибди, эшакнинг қаттиқ ҳанграшидан чўчиб уйғонди. Эри ҳамон йўқлигидан юраги ҳаприқиб, тез-тез ура бошлади. Ташқари эшикни очди-ю, остона ҳатлаб ўтишга қўрқди. Бориб катта ўғлини уйғотди. Отанг моллардан хабар олгани чиқувди, негадир келмаяпти, юр бориб кўрайлик, деди.

Она-бола ташқарига чиқиб, отасини чақиришди. Ҳеч қандай жавоб бўлавермагач, моллар турган қўра томон юришди.

– Бузоқ қўра сиртида қолиб кетганмиди? – сўради ўғил.

– Йўқ, ичкарига боғланганди, – пичирлади она. Ўғил гугуртни чақиб, қора нарса устига энгашди. Хира ёруғда ҳам фожиани англаган хотин додлаб юборди.

* * *

...Телефон қўнғироқлари олдин навбатчи қисмда, кейин туман ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, милиция капитани Назар Жиянбоевнинг уйида жиринглади.

Назар воқеа жойига етиб келганида соат миллари тунги биру қирқ икки минутни кўрсатиб турарди. Ён дафтарини олиб ана шу вақтни ва санани ёзиб қўйди. Марҳум – Ислом Ғойипов 87 сантиметр узунликдаги телефон сими билан бўғиб ўлдирилган эди. Терига ботиб кетган сим мурданинг бўйнида турарди. Унинг икки учига қоғоз ўралганди. "Қотил тортганда қўлни қийиб кетмаслиги учун ўрагандир" – ўйлади Назар. Уларнинг бири ёзувсиз оддий дафтар қоғози, иккинчиси эса Шокир Жабборовнинг ер солиғини тўлаганлиги ҳақидаги квитанция эди. Мурданинг чап қўл бармоқлари орасидан бир дона қора тугма, тоғоранинг ёнидан эса кирза этик пошнаси топилди. Қотил ўз қурбонини нима учун ўлдирди? Шу саволга жавоб топиш мақсадида Назар қўрани обдон кўздан кечирди. Мол тугул қозиққача ўз ўрнида турибди. "Демак, қотил ўғирлик учун келган эмас. У қасддан қилган бу ишни. Сабаб нима?" Югур-югурларга ўрганиб, кўникиб кетганман деб ўзини овутиб юрган Назар бугун қаттиқ чарчаганини аниқ ҳис қилди. Чунки фикрларини бир жойга йиғолмай қийналаётганди. У ўт бўлиб ёнаётган, фарёд урриб йиғлаётган марҳумнинг хотини – Лола опани безовта қилишни хоҳламай катта ўғли Рейимбойни бир четга чақириб сўради:

– Шокир Жабборов ким бўлади?

– Қўшнимиз, – ғўлдиради йигит.

– Муносабатларингиз қалай?

– Ёмон. Борди-келдимиз йўқ.

– Нега?

– Биз тутзорнинг қибла томонидан тўққиз сўтих ер олган эдик. Тўрт йил бўляптики, Шокир ака шу ерни мен оламан деб жанжал қилаяпти. Ўғлига уй-жой солиб берармиш, – деди Рейимбой бурнини тортиб.

Назар ёзган қоғозларига қўл қўйдириб, икки ходимни олди-да Шокир Жабборовнинг уйига кетди.

Узоқ тақиллатишларидан сўнг эшикни тўладан келган, қорамағиз аёл очди. Бемаҳалда келган кишиларни кўриб бир зум анграйиб қолди.

– Қўшнингизникида додфарёд бўлиб ётса-ю, бемалол ётишга қандай чидадингиз? – Назарнинг дабдурустдан берган саволидан аёл баттар эсанкираб қолди.

– Эшитмадим, тинчликми? – деб сўради базўр.

– Молларини ўғирлаб кетишибди, – деди Назар аёлнинг кўзларидан кўзини узмай. Негадир аёлнинг кўзларида ҳайрат, хавотир учқунлари пайдо бўлмади. Аксинча у севиниб хиёл табассум ҳам қилди.

– Ажаб бўпти. Калхўзни еб ётган эди. Ҳаром юқмайди деганлари тўғри экан, бир кечада суриб кетибди-ку, – жавради аёл.

– Эрингиз қаерда? – муддаога ўтди Назар.

– Буғдойга қоровул эдилар. Мол, қўй тушмасин деб чайлада ётибдилар, – деди хотин ва хавотирланиб сўради. – Менинг эримдан гумон қилишяптими яшшамагурлар?

– Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал дейишади. Яхшиси, қўшнингиздан хабар олинг. Ҳар ҳолда мусулмонсиз-ку, – гапни қисқа қилди Назар ва ҳамкасбларини олиб чайла томон кетди.

Аёл эса тобора кучайиб келаётган йиғи овозини эшитиб, боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай остонада серрайганча қотиб қолди.

Назар бошчилигидаги гуруҳ чайлага етиб келганида Шокир Жабборов кўрпага бурканганча донг қотиб ухларди.

– Далага мол тушди! – бақирди Назар.

Лекин қоровул қўзғалмади. Уни туртиб-туртиб зўрға уйғотишди. Милиция ходимларини кўриб одатдагидек рейд шекилли деб ўйлаб, "Пайҳон" тадбири бўйича қилган ишлари тўғрисида қисқача ахборот берди.

Назар бу одамнинг ўз ишига масъулият билан ёндошиб, ҳали ҳаво салқин бўлса-да, кечаси ҳам кимсасиз далада ётишини кўриб, унга ҳаваси келди. "Қоровул бироз мизғигани билан одамлар унинг ҳамма вақт шу ерда бўлишини билишади. Шу боис мол-ҳолларини далага қўйиб юборишга ботинишолмайди" – ўйлади Назар. Лекин унинг эгнидаги пальтосининг бир тугмаси, чап этигининг пошнаси йўқлигини кўриб, фикрлари ўзгарди. "Кўнглида хусумати бор одамнинг тунда миясига нималар келмайди. Қилгуликни қилиб қўйиб, ўзини сипо тутишига ўлайми. Қотил шу. Қўлимда етарли ашёвий далилларим бор. Худога шукр, иш осон кечди. Ўзиям жуда чарчагандим". Шу хаёл билан Назар каравотга оҳиста чўкди. Аъзои бадани ана шу бир фурсатлик тинимдан ҳузурланиб, қоровулнинг кирдан яғири чиқиб кетган ёстиғига ёнбошлагиси келиб кетди. Тонгнинг салқин шабадаси юзига урилиб, уйқусини қочирди.

– Шокир ака, нега қўшнингиз Ислом ака билан муносабатларингиз яхши эмас? – сўради Назар.

– Унинг иккита, менинг эса саккизта ўғлим бор. У бош ҳисобчи, мен эса оддий колхозчи. Шу топишим билан бунча болани қандай уйлантириб, қандай уйли-жойли қиламан. "Сиз қўлингизни қаерга узатсангиз етади. Менга ерингизни беринг, иккита боламга бир ердан жой солиб бераман" десам Ислом деган номард, менинг уйим ёнидаги сув йўлига қулай, ҳосилдорлиги ҳам зўр ўн икки сўтих еримга ёпишади. Шунинг билан алишсанг бераман дейди. Ўзингиз айтинг, шу ҳам инсофданми? Қани энди замон кўтарса, бундайларни битта қўймай отиб ташласанг, – деди Шокир ғазабдан тишларини ғичирлатиб.

– Шунинг учун ҳам уни ўлдирган экансиз-да? – Назарнинг бу саволидан Шокир гангиб савол назари билан ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Тугмаси билан пошнасини кўрсатишганда эса ақлдан озишига сал қолди. Тонг отаётганидан дарак бериб хўрозлар қичқираётган дамда тезкор гуруҳ аъзолари қоровулнинг қўлига кишан солиб, бўлимга олиб кетишди.

* * *

Орадан ўн кун ўтиб, Назар вилоят ИИБда бўладиган бир кунлик ўқув семинарга жўнаб кетди. Ўша ерда учрашиб қолган курсдош дўсти, милиция майори Нодир Расулов кечқурун бир одам билан таништиришини айтди. Келишилган жойда икки дўст учрашиб, ҳаворанг дарвозали уй олдида тўхташди.

– Истеъфодаги милиция полковниги Қобил Юнусовникига келдик, – деди Нодир уст-бошларини тўғрилаб, кейин яна давом этди. – Бу одам узоқ йиллар жиноят-қидирув хизматида ишлаган. Ундан кўп нарсани ўрганса бўлади. Мен бу киши билан атиги бир йил ишладим. Лекин ҳузурларига тез-тез келиб тураман. Танишиб қўйсанг ёмон бўлмайди.

– Раҳмат, дўстим. Ўзим ҳам жуда қийналиб юргандим. Қанийди, жўяли бир маслаҳат эшитсам, – деди Назар ҳам уёқ-буёғини тўғрилаб.

Қўнғироқ тугмачасини босишгач, ичкаридан Қобил Юнусовнинг ўзи чиқди. Меҳмонлар билан қучоқ очиб кўришиб уларни уйга бошлади.

"Жуда истараси иссиқ одам экан. Танимаса ҳам худди қариндошдай кўришди мен билан" – ўйлади Назар.

– Кўрпачагами ёки столга? – сўради мезбон залга киргач меҳмонлардан.

– Ёстиққа ёнбошлаб, оёқни узатиб ётганга нима етсин устоз, – деди кулиб Нодир.

– Тўғри айтасан, – деди мезбон уларни тўрдаги атрофига кўрпачалар тўшаб қўйилган хонтахтага таклиф қиларкан. Келин келиб меҳмонларга эгилиб салом берди-да, дастурхон ёзиб чиқиб кетди.

– Кичик келиним. Университетнинг тарих факультетида сиртдан ўқийди, – таништирди мезбон.

– Бу менинг курсдош дўстим, Назар Жиянбоев. Жиноят-қидирув хизматида ишлайди, – деди Нодир дўстини кўрсатиб.

– Бу соҳанинг нони жуда қаттиқ бўлади. Уни ейиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин уддасидан чиқиб ҳалол топсангиз, ундан мазалиси йўқ. Ишонаверинг, кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман буни, – деди Қобил Юнусов Назарга зимдан қараб.

– Шунинг учун ҳам олдингизга маслаҳат сўраб келган эдик. Дўстим чалкаш бир жиноят устида бош қотираяпти, – деди Нодир келин олиб келган чойни қайтариб, пиёлаларга қуяркан. Қобил Юнусов Нодир узатган пиёлани қўлига олиб, савол назари билан Жиянбоевга қаради.

Назар шошмасдан бўлган воқеани ва кўрган чора-тадбирларини бир бошдан гапира бошлади. Қобил Юнусов шу қадар диққат билан эшитдики, келининг овқат олиб келиб, қўйиб кетганини ҳам сезмади. Ниҳоят Назар гапини тугатди. Лекин Қобил Юнусов ҳамон ўз ўйлари билан банд эди.

– Устоз, овқат совимасин, – деди Нодир.

Қобил Юнусов ўрнидан туриб, гарнитурдан бир шиша коньяк олиб келди.

– Бекор овора бўлдингизда, – Нодир ўнғайсизланди.

– Бу укамнинг бизникига биринчи келиши. Қани, ўзинг очиб қуй-чи, – деди Қобил Юнусов шишани Нодирнинг олдига қўйиб.

Нодир буйруққа сўзсиз итоат қилиб, пиёлаларга қуйиб эгаларига узатди. Қобил Юнусов пиёлани қўлига олиб:

– Ишингиз ҳамиша ўнгидан келсин. Сиз хизматни қанчалик дўндириб, қойилмақом қилиб бажарсангиз, юрт ҳам шунчалик осойишта бўлади. Юрт тинчлиги эса ҳамманинг бахтидир. Ана шу бахт учун оламиз, – деб тилак билдирди.

Пиёладагини ичиб, газакка бир бўлак шоколад едида, дабдурустдан:

– Шокир Жабборов қотил эмас! – деди.

(Давоми бор).

ТЎРА БУВАНИНГ МУЪЖИЗАЛАРИ

Кароматли кишилар

Яланғоч ота тўғрисида болалигимда кўп ҳикоятлар эшитган эдим. У кишини Тўра бува ҳам дер эканлар. Яланғоч ота ниҳоятда покдомон, камгап, меҳнатсевар инсон бўлган эканлар. Тўра бува кексайган чоғларида тарки дунё қилиб, фақат тоат-ибодат билан машғул бўлибдилар. У киши тарихи минг йилларга бориб тақаладиган кўҳна қабристон (ҳозирги Бўстонлиқ йўлида) ёнидаги ғорни макон қилибдилар. Ғорнинг ўртасида гулхан ҳамиша бир текисда ёниб, қора қумғонда сув доимо қайнаб турар экан.

Кўчадан ўтаётган хоҳ отлиқ бўлсин, хоҳ аравада Тўра буванинг маконига қирқ қадамча қолганда уловидан тушар экан. Акс ҳолда уларга бирор шикаст етар экан.

Қатағон йиллари шўро ҳукумати вакиллари Яланғоч отанинг пайига тушадилар. Лекин уни ҳибсга олишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Охири ҳийла ишлатмоқчи бўлиб, бир бойга:

– Сен уни уйингга меҳмонга чақирасан. Биз Тўра бувани ўша ерда қўлга оламиз, – деб буюрадилар.

Бой Яланғоч отанинг ҳузурига бош эгиб келиб бор гапни айтибди. Шунда Яланғоч ота:

– Мени деб сиз кофирлардан жабр чекманг. Кечқурун уйингизга меҳмон бўлиб бораман, – дебдилар.

Авлиё отани қўлга туширгани келаётган уч отлиқ сой бўйидаги кўприкдан ўтаётганда отлари қоқилиб оёғи синибди. Бу мўъжизадан саросимага тушиб улар отларини ташлаб, пиёда орқаларига қарамай қочибдилар.

Кейинроқ Тўра бувани қамаб қўйганларида ҳам, у киши эртасига ҳибсхонадан ғойиб бўлиб, ўз ғорларида ибодатга машғул бўлиб ўтирар эканлар. Назоратчилар қамоқхона эшигининг, қулфининг бут-бутунлигини кўриб ёқа ушлашар экан.

Беморларни дам солиб даволайдиган Шаҳобиддин пучуқ домла бир куни Яланғоч тўрамни зиёрат қиламан деб семиз бир қўчқорни атаб, ўрнига катта серкани олиб борибдилар. Шунда Яланғоч ота:

– Эй пучуқ, менга қўчқор атаб, серка олиб келдингми? – деган эканлар.

Азизлар! Юртимиздан чиққан бундай ноёб хислатли кишилар ҳақида кўп ёзиш мумкин. Муддаом эса чин эътиқод, имон, поклик одамга қандай кароматлар бахш этишини эслатишдир.

Абдусаттор АБДУРАИМОВ.

БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш-транзит муассасаси томонидан вояга етмаган ака-ука Толибсаид ва Тоҳир Хайруллаевич Рўзиевларнинг ота-онаси ва яқин қариндошлари қидирилмоқда.

Улар 2000 йилнинг 29 январь куни муассасага милиция ходимлари томонидан олиб келинган.

Болаларнинг айтишича, Толибсаид 1993 йилда туғилган, Тоҳир 1995 йилда туғилган. Онаси бир танишиникига ташлаб кетиб, қайтиб келмаган ва улар қаровсиз қолишган. Аниқ яшаш жойини билмайдилар.

Толибсаиднинг белгилари: бўйи 100–10 см, кўзлари жигарранг, қошлари қорамтир сийракроқ, сочлари қорамтир.

Тоҳирнинг белгилари: бўйи 85–90 см, кўзлари жигарранг, қошлари қора, сийракроқ, сочлари қорамтир.

Кийимлари: эгнида камзул, оқ-яшил кўйлак, кўк нимча, кўк спорт шими, бошида оқ-кўк қалпоқ, оёғида қизил этик бор.

Толибсаид ва Тоҳирнинг ота-онаси, қариндошлари Тошкент вилояти ИИБ Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш-транзит муассасасига мурожаат этишлари мумкин.

КРОССВОРД



Энига: 11. Қозоғистон жанубидаги қумли чўл. 12. Лотинча ҳарф. 13. Мамлакатимиздаги йирик футбол иншооти. 14. Ёввойи тоғ қўйи. 15. Ҳарбий хизматчи. 16. Тақинчоқ. 17. Миллий мусиқа асбоби. 18. Ўзбек физик олими, оптика ва спектроскопия соҳаси мутахассиси. 20. Фарғона водийсидаги вилоят. 22. Тинч океанидаги вулқонли архипелаг. 24. Ҳарбий-денгиз флоти қўмондони. 26. Деҳқончилик қуроли. 27. Газлама тури. 32. Таниқли ўзбек футболчиси, мураббий. 33. Байрамолди куни. 34. Вақт ўлчов асбоби. 35. Маиший хизмат тури 37. Рўзғор қуроли 39. Цирк артисти. 41. Сайёра. 42. АҚШдаги штат. 44. Ҳиндистоннинг шимолий-шарқидаги штат. 47. Ўзбек халқ достони. 49. XIX аср бошларида Қўқон хонлиги ҳукмдори, ўзбек шоири. 51. Тинчлик рамзи, қуш. 52. Эски мактабда домлага ёрдамчи ўқувчи. 53. Нефть маҳсулоти. 54. Шароф Рашидов романи қаҳрамони. 55. Безак учун ишлатиладиган энсиз мато. 56. Тошкўмирнинг сифатли нави. 57. Балхаш кўлига қуйилувчи дарё. 58. Бухородаги меъморлик обидаси.

Бўйига: 1. Таниқли ўзбек файласуф олими. 2. Россия футбол жамоаси. 3. Атоқли рус мумтоз шоири. 4. Ғарбий Тянь-щан таркибидаги тизма. 5. Ёғингарчилик. 6. Автомобилсозлар шаҳри. 7. Кўркам очилувчи гул. 8. Транспорт воситаси мажмуи. 9. Сомса тури. 10. Какаоли ширинлик. 19. Эл-юрт орасида бирор нарса ҳақида тарқалган хабар. 21. Замбиядаги шаҳар, маъмурий марказ. 23. Лаборатория ишларида фойдаланиладиган оптик асбоб. 25. Китобдаги боб, мавзулар рўйхати. 26. Кўз касалликлари шифокори, олим. 28. Ўрта денгиздаги давлат пойтахти. 29. Газлама тури 30. Ироқдаги дарё. 31. Энг содда, бир ҳужайрали жонивор. 36. Сайроқи парранда. 37. Франция футбол жамоаси. 38. Одамлар ўртасидаги муносабат. 39. Серсоя, сувсевар дарахт. 40. Узум нави. 43. Ўзбекистон жанубидаги тоғ. 45. Тожикистондаги шаҳар. 46. Назмий асар тури. 47. Кучли йиртқич. 48. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 50. Каштачиликда ишлатиладиган нафис мунчоқ. 51. Кимёвий унсур.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ::

Белгиланган хонадан соат мили бўйича рақам атрофига:

1. "Наполи". 2. Сулола. 3. Лочира. 4. Лукиан. 5. Сафоил. 6. Олакўл. 7. Рифтин. 8. "Жигули". 9. Шаффоф. 10. Кўклам. 11. Нитрон. 12. Олдриж. 13. Файтун. 14. Жарима. 15. Орифов. 16. Шодлик. 17. Нутрия. 18. Анқара. 19. Кофеин. 20. Кашкул. 21. Италия. 22. Қақнус. 23. Иордан. 24. Евклид. 25. Латифа. 26. Мақсад. 27. Рекорд. 28. "Афанди". 29. Тамаки. 30. Даройи.

КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар: 1. Бегойим. 2. Мақол. 3. Курдистон.

Ҳикмат:

Одамийга сабру қаноат керак,
Сидқу иродат ила тоат керак.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармалари, вилоятлар ИИБ ва бошқа ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ алоқа ва махсус техника воситаларини таъмирлаш устахонаси шартнома ва мурожаат асосида хорижда ҳамда МДҲ давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий алоқа ва махсус техника, шунингдек, маиший техника воситаларини таъмирлаб, техник қоидалар асосида созлаб беради.

Шу билан бирга алоқа ва махсус техника воситаларини ойлик техник кўрикдан ўтказишни ўз зиммасига олади.

Тел.: 139-77-14, 139-78-46, 34-49 (ички).

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби Криминалистика кафедраси ўқитувчиси ички хизмат капитани Айдарбек Абдуллаевга онаси

Тамара Бузруковна АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" Бирлашмаси раҳбарияти ва республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бошқарма, бўлимлари шахсий таркиби Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция полковниги Ж. Ражабовга рафиқаси

Набира Рамазоновна НОМОЗОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва Ангор тумани ИИБ ходимлари шу туман ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Холтўра Норқуловга акаси

Исмоил НОРҚУЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Молия-иқтисод бўлими бош ҳисобчиси ўринбосари ички хизмат майори Саодат Рустамовага отаси

Салим РУСТАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Шўрчи тумани ИИБ эксперт-криминалисти милиция капитани

Собир ЧОРИЕВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги туфайли марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ички ишлар идоралари фахрийси истеъфодаги милиция полковниги

Муҳаммад Имин СОДИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

ҚЎЙ (21 март – 20 апрель). Ҳафтанинг бошида амалга оширмоқчи бўлган режаларингизни ошкор этмаганингиз маъқул. Чунки бу рақибларингизга қўл келиши мумкин. Дам олиш кунларингизни ижодга бағишлашни маслаҳат берамиз.

СИГИР (21 апрель – 21 май). Пайшанба куни юзага келган муаммоларни ҳал этишга дўстларингиз ёрдам беришади. Аммо ўзингиз кўпроқ саъй-ҳаракат қилишингиз зарур. Жума куни ҳамёнингизга пул тушади.

ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь). Ҳафтанинг бошида кайфиятингиз тушиб кетади. Саломатлигингиз бироз ёмонлашиши эҳтимолдан холи эмас. Жума кунги амалий музокаралар муваффақиятли якунланади. Дам олиш кунларингизни уй юмушларига бағишланг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль). Сешанба-чоршанба кунлари молиявий муаммоларни ҳал этасиз. Пайшанба куни кутилаётган учрашувда касб маҳоратингизни намойиш этишингизга тўғри келади. Шанба куни севган кишингиз учун вақт ажратинг.

АРСЛОН (24 июль – 23 август). Муҳим ишларни ҳафтанинг биринчи ярмига режалаштиришни маслаҳат берамиз. Пайшанба кунги ишқий учрашув узоқ вақт ёдингизда қолади. Қалбингиздаги туғёнлар бажараётган ишингизга ўз таъсирини кўрсатади.

БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь). Ушбу ҳафта турли сафарлар, учрашувлар, танишувларга бойдир. Жума куни фойдали битимни имзолайсиз. Шанба кунни ҳужжатларни расмийлаштиришга бағишлаганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь). Сешанба ва пайшанба кунлари янги танишлар билан мулоқот қилганда эҳтиёт бўлинг. Сизни алдаб қўйишлари мумкин. Жума ва якшанба кунлари ижодий муваффақиятга эришасиз.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь). Ушбу ҳафта оилавий келишмовчилик билан бошланади. Кўзда тутилмаган вазиятнинг юзага келиши яқин келажакдаги режаларингизни барбод қилади. Дам олиш кунлари дўстларингиз билан узоқ вақтдан бери кутилаётган учрашув ёдингизда қолади.

ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь). Сиз учун фаол ва тез ҳаракат қилиш вақти келди. Муҳими, кичик кўнгилсизликларга эътибор берманг. Қариндошларингиз маслаҳати асқотади. Ҳафта давомида ички туйғунгизга ишониб иш кўришингиз кутилаётган натижани бермайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь). Душанба куни ҳамёнингизга пул тушади. Янги ортгирган танишингиздан чоршанба куни манфаат кўрасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида саломатлигингизни тиклашга эътибор беринг.

ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль). Ушбу ҳафтанинг бошида яхши харид кутилмоқда. Чоршанба куни севган кишингиз билан бўладиган учрашув узоқ вақт ёдингизда қолади. Шанба куни эски қарздан қутилишни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 март). Сешанба куни иш жойингиздаги келишмовчилик руҳингизни туширib юборади. Эътиборли танишингиз жума куни оғир вазиятдан чиқишингизга ёрдам беради. Шанба куни яқин кишингиз ажойиб совға тақдим этиши эҳтимолдан холи эмас.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Zokir ATAYEV

Muharrir
Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA
Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari — .... 139-77-23.
muxbirlar bo'limi ..... 139-75-69.
Faks ..... 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: ..... 54-37-91, peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi
..... 139-73-88
peyjer ..... (088) 55-54

Elektron pochta
postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21506000200447980001, MFO 00014.

- Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart
- Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mymkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Ro'yxatdan o'tish tartibi № **00007**.
Buyurtma **Г — 292.**
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — ..... 19.00.
Bosishga topshirildi — ..... 18.00.

Obuna raqami — **180**

112 290 *nusxada chop etildi.*

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.